МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



# ВКЛАД АБУ АЛИ ИБН СИНО В РАЗВИТИЕ ФАРМАЦИИ И АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОЙ ФАРМАЦЕВТИКИ

ТАШКЕНТ - 2018

## РАЗДЕЛ 3. РЕФОРМЫ, ДОСТИЖЕНИЯ, ПРОБЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ПЛАНЫ В СФЕРЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

### «MOODLE LMS» МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ТИЗИМИДА "ФАРМАЦЕВТИКАДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН-ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Байдуллаев А.С., Ражабов Э.Э.**

*Тошкент фармацевтика институти*

**Ишнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги" қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўзда тутилган замонавий етук кадрларни тайёрлашда ўқув жараёнига ахборот технологияларини кенг қўллашни тақозо этади. Ҳозирги даврда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган жамият учун таълим – энг муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Халқнинг фаровон турмуш тарзи таълимнинг нечоғли сифатли ва самарадорлигига боғлиқ. Ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда халқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори малакали кадрларни кўпайтириш жуда муҳим ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёшларни юксак ахлоқли, маънавиятли ва маърифатли, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишга, жамият ва оиласи олдида ўз маъсулиятини чуқур англаб етувчи, рақобатбардош, малакали мутахассис қилиб тайёрлаш ва тарбиялаш вазифаларни ҳал этиш учун замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, таълимни оптималлаштириш, инсонпарварлаштириш ва инновацион методлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш долзарб ҳисобланади [1,2].

**Материаллар ва методлар:** Ҳозирги кунда талабалар тез, кўп, ишонарли маълумотларга эга бўлишлари ва ўзлари мустақил билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шулар жумласидан, электрон мажмуалар талабалар учун фанга оид бўлган муҳим маълумотларни исталган масофадан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишлари мумкин.

Очиқ кодли «MoodleLMS» дастурий комплекси Интернет тармоғидан фойдаланиб, таълим жараёнини бошқариш учун махсус яратилган (Learning management system – LMS) тизим ҳисобланади.

MoodleLMS тизими асосида электрон мажмуанинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашиниш, мажмуага вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини оширишдир.

Тизимда ишлаш учун, MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ) ҳаракатини қўллайдиган ва PHP препроцессорли ҳар қандай платформада ишлаш қобилиятига эга бўлган сервердан фойдаланиш зарурдир.

Тизимни жойлаштириш (Сервер конфигурацияси ва дастурий таъминотини қўшган ҳолда) бир неча кунда амалга оширилади. Ундан сўнг шахсий таълим структурасини таркиб топтириш мумкин[3,5].

MoodleLMS тизими асосида электрон мажмуанинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Талабалар ушбу блокка ташриф буюриб, керакли бўлган маълумотларни олдиндан юклаб олиш ва мустақил таълим олиш имкониятига эга бўлади.

Профессор-ўқитувчи тизимга қўшимчалар киритиш, тегишли материаллар қўйиш, муҳим эълон ва баҳолаш натижаларини жойлаштириб бориши каби оператив ўзгартиришларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Профессор-ўқитувчилар ўз педогогик усулларини намоён эта олишига кенгроқ имконият юзага келади, мультимедиа ресурсларини тўғридан-тўғри жойлаштириш мумкин ва энг муҳими, профессор-ўқитувчининг тизим материаллари сифатини таъминлашдаги масъулияти ошади.

Талабаларга масофада туриб маълумотларни олиш имконияти юзага келади ва қоғоз сарфи камаяди.